



**ЎЗБЕКИСТОНДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ  
САЙЛОВЛАРДАГИ ИШТИРОКИ ЮЗАСИДАН АЙРИМ  
ТАВСИЯЛАР ТАЎЛИЛИ**

**Йўлдошев Азизжон Эргаш ўғли**

Тошкент давлат юридик университети

Конституциявий ҳуқуқ кафедраси профессори в.б., ю.ф.д.

Orcid: 0000-0002-5821-2714

E-mail: a.yoldoshev@tsul.uz

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.8301200>

**ARTICLE INFO**

Received: 22<sup>th</sup> August 2023

Accepted: 29<sup>th</sup> August 2023

Online: 30<sup>th</sup> August 2023

**KEY WORDS**

Сиёсий партия, чеклов, сайловчилар имзоси, сайлов тизими, сайлов комиссияси, рўйхатга олиш, партиявий тизим.

**ABSTRACT**

*Мақолада Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг Ўзбекистонда ўтган сайловларни кузатиш миссияси томонидан сиёсий партияларни ташкил этиш ва фаолиятини ҳаддан ташқари чекловчи нормаларни бартараф қилиш тавсияси ва уни рўёбга чиқариш масалалари ўрганилди. Натижада сиёсий партияларнинг ҳар бир сайлов олдидан уларни қўллаб-қуватлаш учун сайловчилар имзосини тўплаш, сайлов комиссиялари таркибида иштирок этиш ва аралаш сайлов тизимини шакллантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.*

Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилиги ва амалиёти тизимли ўрганилиб, халқаро стандартларга мувофиқ такомиллаштирилмоқда. Ушбу жараёнда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси (ДИИХБ) фаол иштирок этмоқда. Масалан, ДИИХБ миссиясининг 2019 йил 22 декабрда ўтган парламент сайловларини кузатиш бўйича якуний ҳисоботида (ДИИХБ ҳисоботида) сайлов қонунчилигидаги ижобий ўзгаришлар баробарида, жами 32 та тавсия берилган. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан мазкур тавсияларни ўрганиш ва амалга ошириш чоратадбирлари ишлаб чиқилди.

ДИИХБ ҳисоботидаги сиёсий партиялар ва бошқа уюшмаларни ташкил этиш ва фаолиятини ҳаддан ташқари чекловчи нормаларни бартараф қилиш тавсияси эътиборга лойиқ. Бунда барча сиёсий партиялар томонидан ҳар бир президентлик ёки парламент сайлови олдидан уларни қўллаб-қуватлаш учун сайловчилар имзосини тўплаш талабини қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.



Хорижий давлатларда юқоридаги талаб, асосан, янги тузилган ёки вакиллик органларида ўз депутатларига эга бўлмаган сиёсий партияларга нисбатан қўлланилади. Бунинг устига кўпчилик давлатларда қўллаб-қувватлаш учун талаб этиладиган сайловчиларнинг сони бизга нисбатан анча кам. Масалан, ГФРда номзодлар рўйхатини кўрсатган сиёсий партия Бундестагда ёки тегишли ернинг парламентида бешта депутатлик мандатига эга бўлмаса, ушбу рўйхатни қўллаб-қувватлаш учун камида 1000та сайловчи имзосини тўплаши керак.

Шунингдек, Ўзбекистонда сайлов жараёнларини бошқаришда сиёсий партиялар иштирокини таъминлаш, яъни уларни сайлов комиссиялари шаклланишида ва фаолиятида қатнашиши долзарб масалалардан биридир. Сайлов комиссиялари фаолиятида сиёсий партияларнинг тенг иштироки сайлов жараёнини холисона ва самарали бошқаришга хизмат қилади.

Амалда Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ўтказиш бўйича округ сайлов комиссиялари аъзолигига номзодлар Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг мажлисларида муҳокама қилинади ҳамда Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқлаш учун тавсия этилади.

Барча участка сайлов комиссиялари аъзолигига номзодлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан таклиф этилиб, бу номзодлар халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашларининг мажлисларида муҳокама қилинади ҳамда тегишли округ сайлов комиссиясига тасдиқлаш учун тавсия этилади.

Участка сайлов комиссияларини шакллантириш тартиби уларга ҳоким ва маҳаллий Кенгашлар таъсир қилиш эҳтимоли мавжудлигини кўрсатади. Бундай эҳтимолни округ ва участка сайлов комиссиялари аъзоларининг кўпчилиги бир неча марталаб қайта сайланиш амалиёти кучайтиради. Бундан ташқари, номзодлар сиёсий партияларга аъзо бўлса, аъзолиги тўхтатилиб турилиши Ўзбекистонда сиёсий бетарафлик қондасини бузади.

Мавжуд ҳолат сайлов комиссияси таркибига сиёсий партиялар аъзоларининг киришига қўйилган тақиқни қайта кўриб чиқиш эҳтиёжини аён қилади. Ушбу масалани ҳал қилишда участка сайлов комиссияларига АҚШда танлов ўтказиш ва малакасини ошириш, Россия Федерациясида сиёсий партия вакиллари ҳал қилувчи ва маслаҳат овози ҳуқуқи билан киритиш орқали сиёсий мувозанатни таъминлаш амалиёти эътиборга лойиқдир.

ДИИХБ миссияси сиёсий партияларни ташкил этиш ва уларнинг фаолияти борасидаги ҳаддан ташқари камситувчи ҳуқуқий чекловларни бартараф этиш тавсиясини бажариш чуқур тадқиқотлар ўтказишни талаб этади. Унинг ҳисоботида айтилишича, “чинакам сиёсий рақобатни таъминлаш мақсадида партияларни рўйхатдан ўтказиш ва унинг фаолияти билан боғлиқ қонунчилик плюрализмни тарғиб этадиган шаклда талқин ва татбиқ этилиши зарур”. Ушбу мақсадга эришиш, аввало, мамлакатимизда сайлов тизимини ислоҳ қилиш эҳтиёжини кўрсатади.

Таниқли олим М.Дюверже қонунига кўра, мажоритар сайлов тизими икки партияли тизимнинг шаклланишига олиб келади. Ушбу қонун АҚШ, Буюк Британия ва



бошқа давлатлар амалиётида ўз тасдиғини топган. Шу туфайли Ўзбекистонда мажоритар сайлов тизими ўзгартирилмаса, сиёсий партиялар сонининг қисқариши ва охир-оқибатда, иккита йирик партиянинг шалланишига олиб келади.

Ўзбекистонда бугунги кунга қадар учта сиёсий партия бирлашган. Бунга сайловда берилган овозларнинг камида ярмидан кўпини олган номзодни давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига сайланиши ва қолган овозлар инobatга олинмаслиги сабаб бўлади. Чунки мажоритар сайлов тизимида ғолиб барча нарсага эга бўлади, янги ва нисбатан кучли бўлмаган партиялар эса, ўз таъсирини йўқотиб боради.

Шунингдек, тадқиқотчилар томонидан мажоритар сайлов тизимида кўп овозларнинг инobatга олинмаслиги ва харажатларнинг кўпайиши ҳолатлари қайд этилади. Масалан, 2019 йилда ўтказилган сайловларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига – 25 та, халқ депутатлари вилоят Кенгашларига – 95 та, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловларда – 587 та сайлов округида номзодлар 50%дан кўп овоз олмаганлиги сабабли уларда такрорий овоз берилди. Бошқа округларда эса, кўпчилик номзодлар 50%дан озгина кўп овоз олиб сайланган ва қолган овозлар ҳисобга олинмаган. Сиёсий партиялар сони ва фаоллигининг ошиши такрорий овоз бериш ҳолатининг кўпайишига олиб келади.

Мажоритар сайлов тизимидаги камчиликларни бартараф қилиш учун кўпчилик давлатларда пропорционал сайлов тизими жорий қилинди. Ушбу тизимда деярли барча овозлар инobatга олинади, сиёсий партиялар сонининг ортиши ва вакиллик органларига сайланиши учун қулай шароит яратилади. Бироқ унда сайловчиларни муайян номзодга эмас, балки мамлакат миқёсида сиёсий партиялар тақдим этган номзодлар рўйхатига овоз бериши натижасида сайловчилар билан номзодлар ўртасида алоқанинг йўқолишига, депутатларни халқ олдидаги масъулиятининг пасайишига олиб келди.

Айрим мамлакатларда ижобий жиҳатларини инobatга олган ҳолда вакиллик органларининг бир қисми – мажоритар, бошқа қисми – пропорционал сайлов тизимида шакллантирилади ва ушбу сайлов тизими аралаш дейилди. Ш.Мирзиёев ўз сайловолди дастурида аралаш, яъни мажоритар – пропорционал сайлов тизимини жорий қилиш ташаббусини илгари сурди.

Бироқ кўпчилик эътироф этган аралаш сайлов тизими мажоритар ва пропорционал сайлов тизимлари камчиликларини сақлаб қолади. Уларни бартараф қилиш сайлов тизимини такомиллаштиришнинг бошқа йўллари қидириш эҳтиёжини кўрсатмоқда. Мантиқан, вакиллик органининг бир қисмини пропорционал, бошқа қисмини мажоритар сайлов тизимларида шакллантиришни аралаш сайлов тизими деб бўлмайди.

Бугунги кунда пропорционал сайлов тизими негизида аралаш сайлов тизими шаклланоқда, дейиш мумкин. Масалан, “очиқ рўйхатлар” бўйича сайловчиларнинг ўзи хоҳлаган номзодга овоз бериши, номзодлар ва сайланган депутатларни сайлов округларига бириктириш ва мажоритар сайлов тизимининг бошқа ютуқлари жорий қилиноқда. Ушбу янгиликларни, хусусан, “очиқ рўйхатлар” бўйича овоз беришни Ўзбекистонда жорий қилиш мажоритар ва пропорционал сайлов тизимлари ютуқларини сақлаб қолиш имконини беради.



Умуман олганда, ҳар қандай шароитда сиёсий партияларни ва улар орқали фуқароларнинг сайлаш ҳуқуқларини таъминлаш долзарб масалалардан биридир. Шу аснода сайлов жараёнини такомиллаштириш, жумладан, пандемия ва бошқа мураккаб шароитда сайлов ўтказиш қоидалари бўйича сиёсий келишувга эришиш, манфаатдор томонларни кенг жалб қилиш, етарли маблағ ажратиш, сайлов арафасида қонунчиликка катта ўзгаришлар киритишнинг олдини олиш ва бошқа зарур чораларни кўриш талаб қилинади. Бунда умумэътироф этилган халқаро стандартларга риоя қилиш кўзланган натижаларга эришиш имконини беради.

## References:

1. Ўзбекистон Республикаси Парламент сайловлари: 2019 йил 22 декабрь. ДИИХБ Сайловни кузатиш бўйича миссиясининг якуний ҳисоботи // <https://www.osce.org/uz/odihr/elections/uzbekistan/452791>.
2. Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси тўлақонли миссиясининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий вакиллик органларига 2019 йил 22 декабрда ўтказилган сайловларни кузатиш бўйича Якуний ҳисоботида билдирилган тавсияларни ўрганиш ва амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2021 йил 6 январдаги 1042-сонли қарорига илова // Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг жорий архиви.
3. Акилов А. Активное участие политических партий в выборах — важнейшее условие в углублении демократических реформ // <http://elections.uz/ru/lists/view/979>; Караходжаева, О. (2022). Контрольные функции в деятельности парламента. Евразийский журнал академических исследований, 2(12), 160–166. извлечено от <https://in-academy.uz/index.php/ejar/article/view/10101>
4. Лысенко В. О допуске политических партий к участию в парламентских выборах: зарубежный опыт //
5. <http://www.rfsv.ru/education/informirovanie/o-dopuske-politicheskikh-partii-k-uchastiiu-v-parlamentskikh-vyborakh-zarubezhnyi-opyt>; Анварова Д. А. Хотин-қизлар ижтимоий ҳуқуқларини таъминлашнинг ташкилий ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш //SIYOSATSHUNOSLIK, HUQUQ VA XALQARO MUNOSABATLAR JURNALI. – 2023. – Т. 2. – №. 2. – С. 17-24.
6. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг “Сайлов 2019: ютуқлар, муаммолар, таклифлар” якуний ахбороти. – Б. 12 // <http://elections.uz/uz/lists/view/3668>.
7. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг “Сайлов 2019: ютуқлар, муаммолар, таклифлар” якуний ахбороти. – Б. 12 // <http://elections.uz/uz/lists/view/3668>.
8. Мамина А.В. Мажоритарно-пропорциональная система выборов: достоинства и недостатки // Современные политические процессы, № 3(6), 2006. – С. 91-92.
9. Салов якунланди // <http://old.uza.uz/oz/society/saylov-yakunlandi-navbat-ishga--06-01-2020>.



10. Лазерев И.В., Цимбалюк К.В. Сравнительно-правовой анализ избирательных систем // Наука и образование: отечественный и зарубежный опыт. Сборник трудов конференции Тридцать второй международной научно-практической конференции. – Белгород, 2020. – С. 83.
11. Таилов Г.Р. Пути модернизации избирательной системы в Российской Федерации // Сборник научных статей студентов СКИ ВГУЮ, Выпуск 87, 2020. – С. 210; Тикашева, Г. (2022). Обеспечение прав ребёнка в Республике Узбекистан и некоторые предложения в этой сфере.
12. Мирзиёев Ш.М. Бизнинг мақсадимиз аниқ ва ўзгармасдир – демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлини янада қатъий давом эттирамиз // <https://uzlidep.uz/news-of-party/14426>.
13. Кулешова Н.Н. Избирательная система: определения и классификация // Выборы: теория и практика, 2020. № 1 (53). – С. 45.
14. Нигметзянов Т.И. Избирательные системы современности: сравнительный анализ // Вестник КГУ. Кострома, 2015. № 3. – С. 188.